ISSN 2181-7324

# ЎзМУ ХАБАРЛАРИ

№ 1/1 • 2015

MIRZO ULUG'BEK NOMIDAGI O'ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI




*Ижтимоий-гуманитар фанлар йўналиши*

*Направление социально-гуманитарных наук*

*Social-humanitarian sciences*

ВЕСТНИК НУУз • ACTA NUUz

.......143
Суванов И.А. Миллий ўзликни англаш ва миллий ғоянинг ўзаро алокадорлиги .......146
Турсунов Л.Э. Фуқаролик жамиятини шакллантиришда ёшлар ҳуқуқий маданиятининг ўрни .......149
Темирова Ч.Ҳ. Ижтимоий ҳимоя давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши .......152
Тиллаева Г.Ҳ. Акмеология ва таълим тизими .......155
Убайдов Н.Э. Мирзо Улуғбекнинг маънавий-ахлоқий карашлари .......158
Хидиров Ж.А. Туризм, сиёсат ва ижтимоий муносабатлар .......161
Ҳожиев А.Д. Сиёсий маданият ва легитимлик мезонлари .......
Шопулатов А.Н. Мамлакатимиз ижтимоий-иктисодий тараққиётига таъсир килувчи маънавий кадриятларни .......164
ўрганишнинг илмий-фалсафий масалалари .......168
Язданов У.Т. Жамоатчилик фикри: мазмун моҳияти ва жамият тараққиётидаги ўрни .......170
Давлатов О.Ғ. Интернет хизмати тизими ва ахборотларнинг психологик хавфсизлиги масаласи .......173
Арапбаева Д.К. Ўқувчиларни компьютерга тобелигининг психопрофилактикаси .......
Ганиева М.А. “Шахс ва жамият” ўкув фанида таълим сифатини оширишнинг муҳим масалалари (Ўрта махсус, .......176
касб-ҳунар таълими муассасалари мисолида) .......
Вохидов Х.Ф. Рецензия на монографию Мавлонова Ж.Ё. «Гражданское общество: от концепта к концепциям и .......181
парадигмам» (социально-философский анализ) .......
Жалолова Ў.К. «Соғлом турмуш тарзини шакллантиришда ахлоқий кадриятларнинг ўрни» номли .......183
монографияга тақриз .......185

Филология

Абдурахимова Л.Т. Словообразовательный и морфемный анализ на уроках русского языка .......189
Абдураимова М. Чет тилини ўйинлар оркали ўрганишнинг афзалликлари .......195
Алланазарова Х.У. Герменевтик талкиннинг таржимада кўлланилиши .......199
Аскарова Ш.К. Ўзбек тилида такрор стилистик воситаси ва унинг турлари .......
Бўриева Э. Боғловчи феълларнинг лексик-семантик хусусиятларини ўрганишда когнитив таҳлил .......202
имкониятлари .......206
Гилязетдинов Э.З. Межкультурный контекст обучения трудностям перевода опд .......210
Gazieva D.I. Some useful hints in developing reading skills for a learner of English .......
Жумаева Г.А., Джалилова С.Р. Чет тил ўкитиш методикасида оғзаки нуткни тинглаб тушинишга ўргатиш ва .......212
такомиллаштириш .......
Жонкулова Г. Лексик-семантик воситаларнинг парадигматик имкониятларини таҳлил килишда майдон .......215
назариясининг кўлланилиши .......219
Жураев И.И. Фаза феъллари ва ҳаракат тарзи тушунчалари хусусида .......223
Имяминова Ш.С. Немис ва ўзбек тиллари фразеологиясининг киёсий тадкики масалалари .......
Камилова С.Э. К вопросу об исследовании конвергенции и национальной специфики жанра рассказа в русской .......226
и узбекской литературах .......229
Қодирова М. Т. Инглиз ва ўзбек тилларида нутк этикетининг коммуникатив - прагматик хусусиятлари .......233
Мухаммаджонова Н. Ш. Гендерликнинг этномаданий контекстда тадкик этилиши .......235
Mukhitdinov D.T. Poems as means of teaching pronunciation .......
Пирманова Г.Н. Актуальность исследования культурологической проблемы в процессе обучения английскому .......238
языку .......
Полванова С.Т. Ўзбек ва инглиз тилларидаги “бош” компонентли фразеологизмларнинг миллий-маданий .......242
хусусиятлари .......245
Рахмонкулова Х. Герман тиллари грамматикасининг айрим умумназарий масалалари хусусида .......249
Саидмуратова У. Р. Специфика языковой реализации лингвоментального понятия “тантана” .......
Турсунова Г.Н. Инглиз тилидаги инсон интеллектуал қобилиятини ифодаловчи фразеологик бирликларда .......252
миллийлик компонентлари .......255
Ҳакимова Г.Э. Фразеологияда миллий - маданий коннотация ва стереотип тушунчалари .......259
Шукурова З.И. Инглиз ва ўзбек тилларида посессивликнинг гендер жиҳатидан ўзига хосликлари .......263
Эшонкулова Н. Тилшуносликда мелиорация ва мелиоратлар .......267
Юнусова Г. Д. Корейс тилида кўмакчи феълларнинг аспект ва модаллик маънолари .......
Абдушукуров Б. “Қисаси Рабғузий” лексикасининг кадимги туркий ва эски туркий манбалар тилига .......270
муносабати .......274
Дехконов А. Алишер Навоий адаб хакида .......
Тешабоева М.А. “Бобурнома”даги географик тушунчаларни акс эттирувчи бирликларни ўрганишнинг .......276
аҳамияти .......279
Uralov Sh. Alisher Navoiy hikmatli so‘zlarining inglizcha talqini .......282
Шукурова З. «Қисас ар-Рабғузий»да космогоник мифлар .......285
Қаюмов А.А. Дунёкараш ва муносабатларда миллийликнинг акс этиши .......288
Кўчкорова М. Бадиий талкин мукаммаллиги жараёнида лирик асарларнинг жанр имкониятлари .......291
Алимова Г. Б. Социал тармокларда ахборот хавфсизлиги масаласи ва уни таъминлаш чора-тадбирлари .......294
Шорасулов С.С. Различные подходы к пониманию и определению текста .......
Сиддикова И.А. Новая полезная монография по теории языкознания рецензия на монографию Т.А.Бушуй .......300
«Язык в системной структурации» Ташкент: Издательство «Фан» АН РУз, 2014 г. .......

# «ҚИСАС АР-РАБҒУЗИЙ»ДА КОСМОГОНИК МИФЛАР

Шукурова З. *

**РЕЗЮМЕ**

*Мақолада «Қисас ар-Рабғузий» асарида келтирилган космогоник мифлар тадқиқ қилинган. Шунингдек, дунё халқлари мифологияси билан қиссада учрайдиган мифлар ўзаро таққосланган.*

***Калит сўзлар:*** *космогоник, само, ер, дўзах, зилзила, моҳият, ғайритабиий кучлар, руҳлар, мифология, иқтибос.*

Дунё яралибдики, инсонлар ўзларининг азалий ва абадий қизиқтирган саволларига жавоб топишга, уларнинг туб моҳиятини билишга, тушунишга интилган. Атрофни ўраб турган набобот ва ҳайвонот оламининг сўнмас сеҳри доимо уларни ҳайратга солиб келган. Инсонлар кўз ўнгида жилваланган табиат билан бир тан-у бир жон бўлиб яшаш, уни ўрганиш, синовларига бардош бериш талаб этилган. Қадимги инсонлар учун марказий бўлган атроф-олам, нарса-ҳодисаларнинг илк яралиши, келиб чиқиш сабабини билиш ва унинг моҳиятини англаш дастлаб содда ибтидоий қарашлар асосида шаклланган. "Қадим-қадимдан одамлар турли кулфат ва бахтсизликлар сабабини билолмай, моҳиятини англамай ғайритабиий кучларга мурожаат қилганлар. Ўз бахтсизликларини улардан билиб, нолиш ва шикоятлар қилганлар"[1]. Инсон тафаккури маҳсули бўлган мифларда бир томондан, табиат ва ундаги мавжудотларнинг келиб чиқиш тарихи ва ўзига хос хусусияти ҳикоя қилинса, иккинчи томондан, қадимги инсон тасаввуридаги турли руҳлар ҳамда кучлар ўртасидаги кескин жанг ва мунозаралар тасвирланиб, бу курашда эзгуликнинг ёвузлик устидан ғалабаси ёки акс тасвир яратилади. Кейинчалик ёзма адабиётнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши оқибатида халқнинг бундай қарашлари, тушунчалари, эътиқодлари ва урф-одатлари ҳақидаги мифлар ўз-ўзидан ёзма адабиётга муҳрлана бошлади. Носириддин Рабғузийнинг «Қисас ар-Рабғузий» асари ҳам ўзида фольклор намуналарини акс эттирган ёдгорлик бўлиб, у пайғамбарлар ҳаёти мисолида халқнинг азалий эътиқод ва тушунчаларини мужассам эттирган ноёб сарчашмалар сирасига киради. Рабғузий асарда қаламга олган киритма-мифологик афсоналар асарнинг деярли ҳар бир қисмларида ўз ифодасини топган. Шу сабабли биз «Қисас ар-Рабғузий» асарида келтирилган киритма мифологик афсоналарни йиғиб, тадқиқ қилишга уриндик. Ёдгорликда турли мавзудаги мифологик афсоналар мавжуд бўлиб, улардан бири космогоник киритма мифологик афсоналардир.

«Қисас ар-Рабғузий» асаридаги киритма мифологик афсоналар ичида космогоник мифлар алоҳида ўрин тутади. Чунки қадимдан ҳозирги кунга қадар дунёнинг қай тарзда пайдо бўлгани кўпчилик олимларнинг диққат марказидаги саволлардан бири ва улар бу борада бир қанча изланишлар олиб бориб, талайгина натижаларга эришган. Ўрта Осиё аҳолисининг асосий қисми ислом динида бўлганлиги сабабли ёзувчи баъзи лавҳаларда Қуръони Каримдан иқтибослар келтириш орқали қиссанинг ҳаётийлигини, таъсирчанлигини таъминлайди. Асарда ер ва самонинг яралиши ҳақида шундай маълумот келтирилади. Унга кўра Аллоҳ Таоло йўқдан бор этиб, дастлаб «... гавҳар яратди, ул гавҳарга ҳайбат назари қилди эрса ул гавҳар эруди. Сув бўлди эрса анда кезин елни яратди. Сув уза тушти эрса қум урди кўпукланди. Ул кўпукдин тутун оғди, ул тутундин кўкни яратди... Ул сув Мавло ҳайбатиндин қайнаб яратди... Ул кўпукдин Каъба ўрнунча ер яратди. қуюқланди. Ул кўпукдин Каъба ўрнунча ер яратди. Анда кезин кўкни яратғали тегди... Кўкни яратмишда кезин ул яратилган ерни машриқдин мағрибға теги ёзиб кенгу қуйрулқади... Бу ерлар ва кўклар бир қат эрди қудрати бирла кўкни ердин айирди, текма бирлари еттишар қат бўлди. ... Бу етти ер сув уза яратилди эрса турланмади, ирғану бошлади. Ани турландурмоқ учун тоғларни анинг уза қозуқ қилиб яратди»[2]. Рабғузий ер ва самонинг яралиши ҳақида муқаддас китобимиз Қуръони Каримдан парчалар келтирганлиги сабабли ҳар қандай китобхон қисссадаги лавҳаларга шубҳасиз ишонади. Бироқ ижодкор бу маълумотлар билан чекланмайди, халқ ишонч ва эътиқоди самараси маҳсули ерни сувнинг устида туради деган қарашлар асосида қиссани бадиий ҳақиқат даражасига етказади. Ҳақиқатан ҳам, XIII-XIV асрда ҳали инсонлар ернинг думалоқ шаклда эканлиги ва ўз ўқи атрофида айланишини тушунмаган бир пайтда қадимги одамлар онгида ерни қудратли куч кўтариб туради деган қараш етакчилик қилган. Бу қарашлар ифодаси қиссанинг бошқа бир ўрнида янада ёрқин ва аниқ тасвирларда акс этади. Кунларнинг бирида Сулаймон (а.с) Аллоҳ Таолодан жамики жонзотларга бир кунлик ризқ беришга изн сўрайди. Аллоҳ Таоло томонидан рухсат берилгач, девларга улкан қозонлар ясатиб, саккиз ойлик егулик тўплатади ва шу билан бутун инсониятни, ҳайвонлар, ҳашоратлар, учар қушлар – барчани тўйдирмоқчи бўлади. Шу пайт дарёдан улкан балиқ чиқиб қорни жуда очлигини, ҳамма тўплангунча сабри етмаслигини айтиб барча овқатларни бир луқмада еб қўяди ва шу куни бутун инсонлар, жониворлар оч қолишади. Келтирилган лавҳада ёзувчи ўқувчини ерни кўтарган афсонавий балиқ шу эканлигига «Аймишлар» киритмаси орқали ишонтирмоқчи бўлади: "Аймишлар, ул балиқ ерни кўтарган балиқ эрди. Мавло Таоло ул ҳолда ерни балиқ орқасиндин кўтариб ўз қудрати бирла сақлади"[3]. Бу тасвир нафақат ўзбек халқ оғзаки ижодида, балки бутун Ўрта Осиё халқлари орасида машҳур бўлиб, улар ерни худди ана шу ҳолатда тасаввур қилишган.

-----------------------------

* **Шукурова З.** – ТДПУ тадқиқотчиси.

Ер тузилишини ибтидоий тасаввур этиш, уларни маълум бир ҳайвон гарданида деб билиш ҳаттоки якин ўтган асрлар фольклор намуналарида ҳам сакланиб колган. Фикримизни "Қисас ар-Рабғузий"нинг «Қисасул анбиё» номи остида котиб Эшон Солиҳхўжа Тоҳир томонидан кўчирилган Самарқанд нашри асосида далиллашга ҳаракат киламиз. Ёзувчи асар бошланмасида дунёнинг яратилиши хусусида шундай лавҳани келтиради: «Аллоҳ Таоло Сарёни деган бир пора қум яратди. Етти кат ерни бу қумни устиға қўйди. Бу кум фариштани гарданидадур. Ул фариштани оёғлари бир парча яшил ёқутни устидадур. Андин кейин бир ҳўкуз яратди. Ул ҳўкузга тўрт минг кўл ва пут берди. Мўнгузлари етти қат ердин юқоридур. .. Ул муаллақ тошни пешонасиға яъни, икки шохини ўртасиға олиб турди. Ул ҳўкузни кўл ва путлари ҳавода муаллақ колди. Андин кейин бир балиқ яратди ул ҳўкузни пути ул балиқни гарданида карор топди»[4]. Оламнинг мураккаб тузилиши ҳақидаги кўплаб ўзбек халқ самовий асотирларида ерни кўтариб турган ҳўкиз улкан наҳанг балиқ устида туради, дейилади. Бу мифологик тасаввур қадимги туркларнинг афсонавий балиқ ҳақидаги асотирлар билан боғлиқ бўлиб, «қадимги турклар бу балиқларни Кербалиқ ёки Кёрпалиқ деб аташган. Агар Кербаликлар сув тубига шўнғиса ёки бошини юқорига кўтаришса, зилзилалар ҳосил бўлиб, дарёлар тошиб кетар эмиш»[5]. Мазкур афсонавий балиқ «Авесто»да Кара дейилади ва у Варукаша денгизида сузиб, унинг ўртасида ўсадиган ҳаёт дарахтини кўриклар экан[6]. Қадимги одамларнинг дунё ҳақидаги ибтидоий тасаввури натижасида юзага келган ушбу тасвир фольклор ва дин муносабатининг уйғунлашиб кетиши оқибатида бир бутун йўналиш ҳолига келиб қолган. Ер тузилиши ҳақидаги ибтидоий қарашлар халкимиз орасида бошқа кўринишларда ҳам учрайди. Унга кўра, балиқнинг устида тошбақа, унинг устида улкан ҳўкиз туриб, ерни бир шохида кўтарар эмиш. Агар ҳўкиз чарчаб ерни у шохидан бу шохига олганда, ерда зилзилалар ҳосил бўлар экан. Бундай қарашлар турли кўринишларда бўлиб, баъзилари ерни тошбақа кўтариб туради, деган қабилида учрайди. Профессор М.Жўраевнинг аниқлашича, «Ерни тошбақа кўтариб туради» деган эътиқод турк-муғул-бурят фольклоридаги кўпгина самовий мавзуларнинг шаклланишида муҳим рол ўйнаган будда диний афсоналари ҳамда мифологияси таъсирида келиб чиққан»[7]. Шу сабабли баъзи олимлар «Фольклор ва дин мустақил ва тугалланган характерга эга эмас. Лекин улар негадир шу даражада ажралмаски, фанда баҳс кетяпти; бу ерда динми, фольклорми, санъатми, фалсафами ёки фан. Негадир мифологиянинг баъзилари динга, баъзилари фольклорга тааллуқли»[8] деган муаммоли масалани ўртага ташлашмоқда. Оғзаки адабиётда пайдо бўлиб, кенг тарқалган мифологик афсоналар ёзма адабиётнинг ривожланиши оқибатида аста-секинлик билан ёзма адабиётга кўчиб, ёзувчиларнинг эстетик талабларига мослаштириб янги киёфа ва вариантларда асарлар таркибидан ўрин олди. Рабғузий «Қисас ар-Рабғузий» асарида оғзаки ижод намуналарига бадиий қайта ишлов бериб, янги тасвир ҳосил килдирган. Сабаби киссада «Сифати ас-самовоти» ва «Сифати ал-аразина» деб номланган ҳикоят берилган бўлиб, у мазмунига кўра тўлалигича мифологик афсона эканлигини кўрсатади. Қиссада тасвирланишича, осмон ва ер етти қаватдан иборат экан[8]. Ижодкор уларнинг ҳар бирини ўзгача ном ва кўринишда тасвирлайди. Шунинг учун биз осмон ва ернинг еттита қаватини қуйидаги жадвалда кўрсатишни маъқул кўрдик:

| № | Самонинг қаватлари | Самонинг ранги | Осмоннинг номланиши | Фаришталарнинг кўриниши | Фаришталарнинг улуғининг исми |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 1-қават | Яшил зумурад | Рафиқ | Уз (ишбилармонлик, омадлилик) | Исмоил |
| 2 | 2-қават | Кумуш | Руқъа | Бургут | Рақбоил |
| 3 | 3-қават | Ёқут | Қайдам | Уй (сигир) | Кўкбоил |
| 4 | 4-қават | Урунг (оқ) йинжу | Моъун | От | Нубёйил |
| 5 | 5-қават | Олтин | Ратқо | Ҳур | Сифтбоил |
| 6 | 6-қават | Сариғ ёқут | Захо | Вилдон (хизматкор) | Рағбоил |
| 7 | 7-қават | Нур | Арибо | Одамий | Нурбоил |

Эътибор берилса, қаватлар юқорига чиққани сайин уларнинг ранги ҳам тиниқлашиб боради. Фаришталарнинг кўриниши эса сўнгги қаватда одам суратида тасвирланган. Демак, ижодкор инсонни улуғлаб, ҳар бир жонзотдан юқори даражага қўяди. Яъни инсон дунёдаги ҳар нарсадан азиз ва мукаррам эканлигини осмон қаватларининг таснифи мисолида кўрсатади.

Осмоннинг етти қават бўлгани каби ер ҳам шунча қаватдан иборат бўлади, деган ижодкор ернинг тузилиши ҳақида ҳам кимматли лавҳалар беради. Яъникм, ернинг тузилиши осмон қаватларидан бирмунча фарқ қилади. Биз ернинг ўзига хос тузилишини қуйидагича тасвирлашга ҳаракат килдик:

| № | Ернинг қавати | Ер қаватларининг номланиши | Ернинг қаватларида нималар жойлашгани |
|---|---|---|---|
| 1 | 1-қават | Рамко, Аким | Етмиш минг бурундуқ (Ҳар бир бурундук етмиш минг фариштalar қўлида) |
| 2 | 2-қават | Жулза | Дўзах чаёнлари (Каталиги туяга ўхшаш, думи найзадек) |
| 3 | 3-қават | Арқа | Дўзах урумлари (Катталиги Қоф тоғидан улуғ) |
| 4 | 4-қават | Харна | Дўзах илонлари (Ҳар бир тишининг тагида олма катталигида заҳар бор) |
| 5 | 5-қават | Малсо | Дўзах тошлари |
| 6 | 6-қават | Сижжин | Дўзахийларнинг жони бор |
| 7 | 7-қават | Ажибо | Иблиснинг макони |

Диққат қилинса, ернинг еттинчи қавати, яъни ер туби Иблис (а.л) макони, ундан олдинги олтинчи кавати эса, дўзахийларнинг жони сакланадиган жой. Демак, ернинг олтита каватида ҳар не инсонга зарар етказувчилар Иблиснинг измида. Айникса, хаёт даврида нафсига кул бўлиб, ёвуз ишларни килган инсонлар ўлгандан сўнг, дўзахга олиб кетилиш учун Иблиснинг ихтиёрига топширилган экан. Ёзувчи юкоридаги лавҳаларни келтирар экан, уларда юксак ғоя яъни, инсон муаммосиини марказий ўринда қўяди. Осмон ва ер таърифи мисолида ижодкор инсонларни ҳушёрликка даъват этади. Бир лаҳзалик ўткинчи умрни кўнгил ишига караб эмас, балки иймон-эътикодда собит солиҳ ва солиҳалар бўлишни тарғиб килади. Ҳар икки йўлдан бирини танлаган инсон дунёдан риҳлат қилгач, ё самода руҳи фароғатда, ёки жони дўзахда (ёзувчи таъбири билан айтганда ер тубида) мангу қолиб азоб-укубат чекишдан огоҳлантиради.

Хулоса қилиб айтганда, дунё халқлари фольклор намуналари билан Рабғузий келтирган мифологик афсоналар таққосланганда Рабғузий тақдим этган мифологик афсоналар нисбатан қадимий эканлиги аникланди. Шунингдек, афсоналар хоҳ у Қуръон Каримдан олинган воқеалар асосида бадиий қайта ишланган бўлсин, хоҳ у халқ оғзаки ижоди маҳсули бўлсин, хоҳ ижодкорлик маҳоратига кўра яратилган бадиий яратма бўлсин ҳеч бири шунчаки эстетик завқ олиш учун келтирилмайди. Аксинча, уларнинг туб замирида улкан мазмун-мақсад ётади. Энг асосийси, қиссада инсон муаммоси бош планда қўйилиб, улар афсоналар воситасида турли ёвузликлардан кайтарилиб, эзгу амаллар қилишга ундалган.

## АДАБИЁТЛАР:


1. СобитоваТ. Ризаев Ш. Завкий ижодида фольклор мотивлари //Адабий мерос. –Тошкент, 1987- 4-сон (42). –Б. 11-14.
2. Рабғузий.Н.Б. Қисаси Рабғузий. Т.: Ёзувчи. 1990. 1-к. -240 б.
3. Қисас ул-анбиё. Самарканд нашри. Типо лит Демуров, 1904. -528 б.
4. Басилов.В.Н. Тюркоязычных народов мифология//Мифы народов мира. Т.2. –М.: Советская энциклопедия, 1988. —с.539.
5. Авесто. Маҳкам А таржимаси.-Тошкент: Шарқ, 2001. -383 б.
6. Боболардан қолган наклар. Т.: Фан.1998. -128 б
7. Фрейденберг О.М Миф и литература древности. –М.: Наука, 1978. -601с.


## РЕЗЮМЕ


В статье изученны космогонические мифы приведённые в повести «Кисас ар-Рабгузи». При этом мифология всех народов сравнивается с повестью.



**Ключевые слова:** космогоник, земля, ад, землятресение, духи, мифология.


## RESUME


The cosmogonic miths the works “Kisas ar-Rabguzi” are examined in this article. The mith of the all people is compared with story.



**Key words:** cosmoginic, earth, mythology, hell, perfume, earthquake.